



## АҲОЛИ ДАРОМАДИГА КЎРА ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА ИННОВАЦИОН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

**Махмудова Мухлиса Қодиржон қизи**  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети докторанти, PhD

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\_iss1/a12](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a12)

**Аннотация.** Ушбу илмий мақола инновацион банк хизматларининг ривожланиш тенденциясига бағишланган бўлиб, бунда давлатлар даромадига кўра рақамли банк хизматлари амалиётга жорий этилиши таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, ривожланган давлатларда рақамли иқтисодиётни қуриш анча илдамлаб кетган. Шунингдек, даромади ўртадан юқори бўлган давлатларда ҳам охириги йилларда рақамли банк хизматларининг такомиллашиб бораётганлиги аниқланди. Аммо даромади ўртадан паст бўлган давлатларда рақамли банк хизматлари етарлича ривожлангани йўқ. Бунга ушбу давлатларда яширин иқтисодиётнинг қучлилиги ва бунинг натижасида нақд пул муомаласига эҳтиёжнинг юқорилиги, ушбу давлатларда илм-фаннинг етарлича қучли эмаслиги ва бу рақамли технологияларни жорий этишда янги стартапларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилаётганлигини сабаб сифатида келтиришимиз мумкин.

**Калит сўзлар:** банк хизматлари, инновацион банк хизматлари, даромади ўрта давлатлар, рақамли тўловлар, онлайн банклар.

## ТЕНДЕНЦИЯ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННЫХ БАНКОВСКИХ УСЛУГ В СТРАНАХ МИРА ПО ДОХОДАМ НАСЕЛЕНИЯ

**Махмудова Мухлиса Кодиржон қизи**  
Докторантка Ташкентского государственного  
экономического университета, PhD

**Аннотация.** Данная научная статья посвящена тенденции развития инновационных банковских услуг, в которой анализируется внедрение цифровых банковских услуг в зависимости от доходов стран. Согласно результатам анализа, построение цифровой экономики в развитых странах находится на гораздо более продвинутом этапе. Также было обнаружено, что цифровые банковские услуги в последние годы улучшаются в странах с доходом выше среднего. Однако в странах с уровнем дохода ниже среднего цифровые банковские услуги развиты недостаточно хорошо. Причинами этого являются сила теневой экономики в этих странах и, как следствие, высокая потребность в денежных операциях, недостаток науки в этих странах, а также тот факт, что это препятствует появлению новых стартапов по внедрению цифровых технологий.

**Ключевые слова:** банковские услуги, инновационные банковские услуги, страны со средним уровнем дохода, цифровые платежи, онлайн-банкинг.

## INNOVATIVE BANKING SERVICES IN WORLD COUNTRIES ACCORDING TO INCOME

**Makhmudova Mukhlisa Kadirjon kizi**  
Doctoral student of the  
Tashkent state university of economics, PhD

**Annotation.** The scientific article is devoted to the development trend of innovative banking services, in which the implementation of digital banking services is analyzed according to the income of the countries. According to the results of the analysis, the construction of the digital economy in developed countries is much more advanced. It has also been found that digital banking services have been improving in recent years in upper-middle-income countries. But in lower-middle-income countries, digital banking services are not well developed. We can cite the following reasons: a) the strength of the hidden economy in these countries and the resulting high need for cash transactions, b) the lack of science in these countries, which prevents the emergence of new startups in the introduction of digital technologies.

**Keywords:** banking services, innovative banking services, middle income countries, digital payments, online banking.

**Кириш.** Инновация моҳиятига оид иқтисодий қарашларнинг келиб чиқишини қадимдан кўриш мумкин. Даврлар ўзгариши билан молия бозори ва умуман, иқтисодиёт фаолиятида инновацияларнинг роли ошди. Илмий адабиётларда «инновация» сўзининг турли хил талқинлари мавжуд. Бир қатор манбаларда у янги маҳсулот, хизмат ёки жараённинг амалий ривожланиши натижасида инновацияга қўйилган сармоя сифатида тавсифланади. Инновация (лотинча “novation” сўздан) илгари мавжуд бўлмаган янгилик (масалан, турли соҳалардаги илмий кашфиётлар, ихтиролар, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришнинг янги усуллари) сифатида тушунтирилади.

Иқтисодий адабиётларда “инновация” атамасининг ягона таърифи мавжуд эмас. Бироқ энг кенг тарқалгани бу атамани тушунишда иккита ёндашувни ажратиб кўрсатишдир: тор ва кенг. Биринчи ёндашувда инновация техник томондан тақдим этилиши ва саноат ишлаб чиқариши (янги технология ва шу кабилар) билан аниқланиши мумкин. Иккинчи ёндашувда инновация янги маҳсулот ёки хизмат, ишлаб чиқариш усули, молиявий, ташкилий, илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги инновация сифатида талқин этилади. Ушбу ишнинг ўрганиш объекти нуқтаи назаридан биз кенгроқ ёндашувга амал қиламиз.

Иқтисодчилар орасида инновациялар одамлар ва компанияларнинг ўз фойдаларини максимал даражада ошириш истаги туфайли юзага келади, деган фикр мавжуд. Яъни инновацияларни жорий этиш орқали бойиб кетиш истаги бутун иқтисодиёт учун ниҳоятда фойдали бўлиши мумкин. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, иқтисодий шароитларнинг ўзгариши (ёмон ёки яхши томонга) фойдали бўлиши мумкин бўлган инновацияларни қиришни рағбатлантириши мумкин.

Баъзи тадқиқотчилар инновацияларнинг пайдо бўлишини иккита асосий сабаб билан боғлашади. Биринчиси «технологик туртки» деб аталади, бунда инновациялар манбаи ишлаб чиқаришнинг ички қонуниятлари, иккинчиси эса инновацияларни яратишни рағбатлантирадиган «талаб» ҳисобланади. Шунингдек, инновацияларнинг асосий манбаларига ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондиришнинг чекланган имкониятлари, жамият томонидан тўпланган илмий ва интеллектуал салоҳият киради.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Инновациялар моҳиятининг биринчи тадқиқотчиларидан бири Н.Д.Кондратьев бўлиб, у ихтиро киритилгандан кейин шаклланган инновациялар оқими бўлган узун тўлқинлар ёки катта цикллар тушунчасини киритган [1]. Н.Д.Кондратьев айирбошлаш ва ишлаб чиқариш технологиясининг сезиларли ўзгаришида намоён бўладиган катта циклнинг юқори тўлқини бошланишидан олдин жамият шароитида сезиларли ўзгаришларни аниқлади [1].

Н.Кондратьев томонидан таклиф қилинган иқтисодиётнинг тизимли ривожланиши ғоялари австриялик иқтисодчи J.A.Schumpeter томонидан қўлланилган ва ниҳоят «инновация» тушунчасини шакллантирган. Австриялик олим биринчи марта 1930 йилда «инновация» атамасини қўллаган бўлиб, бу атама янги товар ва хизматларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш мақсадидаги ўзгаришларни билдиради [1]. У ўз ишида инновацияларнинг турли комбинацияларини тасвирлаб берди, инновацион жараённинг хусусиятларини очиб берди. Австриялик иқтисодчи инновацияни бизнес билан бирлаштирилган (хўжалик субъектлари томонидан ўз фаолияти давомида боғланган) турли хил ресурсларнинг ностандарт бирикмаларининг йиғиндиси деб таърифлаган, бунинг натижасида улар инновацияларга айланган [2].

J.A.Schumpeter фикрича, капитализм ҳаракатсизликка, мунтазамликка тоқат қила олмайдиган ва ҳеч қачон турғун бўлиб қолмайдиган тизимдир. J.A.Schumpeter янгилик ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги изчил алоқани асослайдиган назарияни яратди.

Унинг иқтисодий цикллар назарияси технологик тараққиётни капитализмнинг барча иллатлари: ишсизлик, ижтимоий тенгсизлик, инфляция ечими деб ҳисоблайдиган барча иқтисодчилар ва сиёсатчилар учун илҳом манбаи ҳисобланади.

J.A.Schumpeter ёндашуви ва унинг издошлари томонидан фақат ривожланган технологияларга асосланган иқтисодий ўсиш имкониятларига оид ғоялар оптимистик ҳисобланади [3]. Нима учун технологиянинг ўзи иқтисодий ўсишни таъминлай олмаслигини тушуниш учун технологик имкониятлар ва улардан фойдаланиш ҳақиқатини фарқлаш керак.

J.A.Schumpeter томонидан таклиф қилинган ёндашувга асосланиб, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти инновацияларни турли гуруҳларга бўлиш учун ўз ёндашувини таклиф қилди, жумладан: иннова-

цион маҳсулотлар; инновацион жараёнлар; инновацион маркетинг; ташкил этишнинг инновацион усуллари.

Ушбу тоифалардаги янги ишланмалар инновациялар деб эътироф этилади, агар улар амалга оширувчи субъект томонидан янгилик (инновация) сифатида қабул қилинса, бу, ўз навбатида, ушбу ечимлар аллақачон маълум бўлиши ва бошқа ташкилотларда қўлланилиши мумкинлигини англатиши мумкин.

A.Rogers таърифига кўра, инновация – аниқ шахс томонидан янги деб ҳисобланган ғоя. Шу билан бирга, асосий омил кашфиётнинг янгилиги эмас, балки индивидуал идрок нуқтаи назаридан янгилик муҳимроқ ҳисобланади[4]. Бундай ҳолда, инновацияларда биз, биринчи навбатда, функциялар ва имкониятларга эмас, балки уларнинг алоҳида фойдаланувчилар томонидан идрок этилишига қизиқшимиз керак. Бундан келиб чиқадики, маҳсулот ва хизматлар инновация эмас [4].

Бизнинг фикримизча, юқоридаги баёнот жуда мунозарали бўлиб, аммо ҳеч бўлмаганда амалий нуқтаи назардан истеъмолчи ўзи учун ўзига хос функциялар (имкониятлар) ташувчиси бўлган якуний маҳсулот ёки хизматга қизиқади ва шунинг учун бу функция ва имкониятларнинг тимсоли бўла олади.

Инновацияларни гуруҳлаш бўйича таъкидланган позицияларга қарамасдан, тадқиқотчилар ўртасидаги асосий келишмовчиликлар якуний натижа ва жараён бўйича юзага келади. Кўпгина хорижий ва маҳаллий илмий ишларда инновация муайян якуний натижага эга бўлган янги маҳсулот ёки хизматни яратиш ва жорий этиш жараёни сифатида қаралади.

**Тадқиқот методологияси.** Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, рақамли банк хизматларининг ривожланишини таҳлил қилишда Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди расмий статистик маълумотларидан фойдаланилди.

Ушбу илмий тадқиқотимизда даромадига кўра дунё мамлакатларида банк тизимининг ривожланиш даражаси ва унда аҳолини банк хизматлари билан қамраб олганлик ҳолатига тўхталиб ўтамиз. Бунда жаҳон иқтисодиётидаги (WLD) ҳолат, юқори даромадли давлатлар (НІС), ўрта даромадли давлатлар (МІС), ўртадан юқори даромадли давлатлар (УМС) ҳамда ўртадан қуйи даромадли давлатлар (ЛМС) гуруҳларидаги ҳолатлар таҳлил қилинган. Таҳлил 2014-2021 йилларни қам-


раб олган ҳолда, шу даврдаги айрим йилларни кўриб чиқдик.

#### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Охирги икки юз йил ичида анъанавий банк тизими иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим ўрин эгаллади. Айнан аҳолида бўш турган пул маблағларини йиғиш ва бу орқали иқтисодиётни молиявий ресурслар билан таъминлаш, барқарор тўлов тизимини таъминлаш, қоғоз пулларнинг муомаласини самарали олиб бориш ва шу каби бошқа масалаларда банк тизими иқтисодиётнинг ажралмас бўғинига айланган эди. Аммо ХХІ асрга келиб, банк тизими олдига катта бир синов қўйди. Бу ҳам бўлса, молиявий технологияларнинг банклар функцияларини осон, тез ва қулай усулларда бажара олишидир. Шундан келиб чиққан ҳолда охирги йилларда тижорат банклари мижозларга кўрсатаётган хизматларида рақамли технологияларни қўллаш бўйича амалий ишлар олиб бормоқда.

Тадқиқотимизнинг дастлабки босқичида даромадига кўра дунё мамлакатларида аҳолининг банклар хизматларидан фойдаланиш ҳолатини, бунда банкларда ҳисоб рақам очганлик ҳолатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Тижорат банкларининг бош мақсади фойда олиш бўлса-да, аммо улар томонидан амалга оширилаётган операцияларининг иқтисодиётга ҳамда аҳолининг ижтимоий фаолиятига таъсири юқоридир. Хусусан, тўловларни банкдаги ҳисоб рақами орқали амалга ошириш ва бунда тижорат банклари мижозларига қулай шароитлар яратиш орқали иқтисодиётда нақд пул муомаласини камайтиришга ва бу орқали хуфиёна иқтисодиётнинг кучайишига тўсқинлик қилади. Таҳлил натижаларига кўра, 2014 йилда дунё аҳолисининг ўртача 62 фоизи тижорат банкларидан ҳисоб рақам очган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 68 фоизни ҳамда 2021 йилда эса 76 фоизни ташкил қилган ҳолда улар томонидан банк хизматларига қизиқиш доим ортиб борган.

Ривожланган давлатлардаги ҳолат жаҳондаги ўртачадан анча юқоридир. Ривожланган давлатларда аҳолининг катта қисми, яъни 95 фоизи атрофида тижорат банкларидан ҳисоб рақам очган ҳолда банкларнинг хизматларидан кенг фойдаланиб келишмоқда. Бу, ўз навбатида, ушбу давлатларда тижорат банкларига ишонч юқори эканлигидан ҳамда банк тизимидаги ҳар бир ўзгариш аҳолининг турли қатламларигача таъсир қилишидан далолат беради.



**1-расм. Даромадига кўра дунё мамлакатларида аҳолининг банкларда ҳисоб рақам очганлик ҳолати**

Манба: <https://www.worldbank.org> The Global Findex Database 2021 маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Давлатларнинг ривожланганлик даражаси ЯИМнинг аҳоли жон бошига нисбати орқали аниқланишини инобатга олиб, ўрта даромадли давлатлар ҳам уч гуруҳга ажратилади. Булар ўртадан юқори даромадли давлатлар, ўрта даромадли давлатлар ҳамда ўртадан қуйи даромадли давлатлардир. Ўртадан юқори даромадли давлатлар юқори даромадли давлатлар даражасига анча яқинлашиб қолганлигини инобатга олсак, унда ушбу давлатларда аҳолини банк хизматлари билан қамраб олиш даражаси ҳам анча юқори бўлади. Хусусан, ўртадан юқори даромадли давлатларда 2014 йилда аҳолининг 71 фоизи тижорат банкларида ҳисоб рақамига эга бўлган бўлса, 2021 йилга келиб эса бу давлатлар аҳолисининг 84 фоизи тижорат банкларида ҳисоб рақамига эгаллиги аниқланди.


Ўрта даромадли давлатлар гуруҳида банк тизимида ҳисоб рақами очиш даражаси жаҳондаги ўртача даражадан пастлиги аниқланди. Статистик маълумотларга кўра, ўрта даромадли давлатларда 2014 йилда аҳолининг 57 фоизи тижорат банкларида ҳисоб рақамига эга бўлган бўлса, 2021 йилга келиб эса аҳолининг 72 фоизи тижорат банкларида ҳисоб рақамига эгаллиги аниқланди. Шунингдек, ўртадан қуйи даромадли давлатларда аҳолининг банк тизими хизматларидан кенг фойдаланиш етарли даражада яхши, дея олмаймиз. Хусусан, 2014 йилда ўртадан қуйи даромадли давлатларда аҳолининг 44 фоизи тижорат банкларида ҳисоб рақами очган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 58 фоизни ҳамда 2021 йилда эса 62 фоизни ташкил қилган.

1990 йиллардан бошлаб тижорат банклари мижозлар сонини ошириш ва бу орқали даромад манбаини кўпайтириш мақсадида пластик карталарнинг муомаласини кенгайтirdи. Бунинг оқибатида ижтимоий мақсадлар бири сифатида муомалада нақд пул улушини камайтиришга олиб келди. Мамлакатимизда пластик карталарнинг кенг тарқалишига айнан пластик картадаги пуллар пул функциясини етарлича бажармаганлиги сабаб бўлган эди. Аммо 2017 йилдан бошлаб банк тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида пластик карталарнинг муомаласи авжига чиқди.

Таҳлил натижаларига кўра, 2014 йилда дунё аҳолисининг ўртача 43 фоизида дебит ёки кредит карталар мавжуд бўлган бўлса, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 49 фоизга ва 2021 йилда 55 фоизга кўтарилган, юқори даромадли давлатларда эса бу кўрсаткич анча яхши бўлиб, 90 фоиз атрофида сақланмоқда.

Ўртадан юқори даромадли давлатларда 2014 йилда аҳолининг 49 фоизида дебит ёки кредит карталар мавжуд бўлган бўлса, 2021 йилга келиб эса аҳолининг 70 фоизи дебит ёки кредит карталарга эга бўлган. Шунингдек, ўрта даромадли давлатларда 2014 йилда аҳолининг 35 фоизида дебит ёки кредит карталар мавжуд бўлган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 47 фоизга чиққан. Бу билан айтишимиз мумкинки, дунё аҳолисининг ярмидан кўпида дебит ёки кредит карталар мавжуд эмаслигини билдиради.






2-расм. Даромадига кўра дунё мамлакатларида аҳолида дебит ва кредит пластик карталарининг мавжудлиги

Манба: <https://www.worldbank.org> The Global Findex Database 2021 маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Ўртадан қуйи даромадли давлатларда вазият яхши эмас. Хусусан, ўртадан қуйи даромадли давлатларда 2014 йилда аҳолининг бор-йўғи 22 фоизда дебит ёки кредит карталар мавжуд бўлган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич сезиларсиз ўзгарган ва бу кўрсаткич 28 фоизни ташкил қилган. Дунё эксперт-

ларининг фикрича, пандемия даври аҳолини нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишга мажбур қилган. Эътибор қаратсак, ўртадан қуйи даромадга эга бўлган давлатларда, ҳатто, пандемия даври ҳам уларнинг навод пулсиз операцияларини ривожлантиришга етарлича туртки бермаган.



3-расм. Даромадига кўра дунё мамлакатларида аҳолининг дебит ва кредит пластик карталаридан фойдаланиш даражаси

Манба: <https://www.worldbank.org> The Global Findex Database 2021 маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатдики, аҳолидаги пластик карталар сони билан уни ишлатиб юрганлар сони доим бир хил бўлавермайди. Юқоридаги иккита расм маълумотлари шуни кўрсатмоқда. Хусусан, жаҳон миқё-

сида 2014 йилда аҳолининг 43 фоизда дебит ёки кредит пластик карталар мавжуд бўлган ва унинг 28 фоизи актив ҳолда бўлган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткичлар 55 фоизга 40 фоизни ташкил қилган.


Юқори даромадли давлатларда аҳолидаги пластик карталарнинг катта қисми актив ҳолда эканлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, юқори даромадли давлатларда 2014 йилда аҳолининг 84 фоизда дебит ёки кредит пластик карталар мавжуд бўлган ва унинг 74 фоизи актив ҳолда бўлган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткичлар 91 фоизга 85 фоизни ташкил қилган.

Аммо ўрта даромадли ва ўртадан қуйи даромадли давлатларда вазият ўзгача. Хусусан, ўрта даромадли давлатларда 2014 йилда аҳолининг 35 фоизда дебит ёки кредит пластик карталар мавжуд бўлган ва унинг 18 фоизи актив ҳолда бўлган. Яъни аҳолидаги пластик карталарнинг 50 фоизига яқини актив ҳолда бўлмаган. 2021 йилда бу кўрсаткичлар бироз яхшиланган ва мавжуд 47 фоиз пластик карталардан 30 фоизи актив ҳолда бўлган. Бу ҳолатни ўртадан юқори давлатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўртадан қуйи давлатларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалиётга кенг жорий

этишда етарлича муаммо борлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, ўртадан қуйи даромадли давлатларда 2014 йилда аҳолининг 22 фоизда дебит ёки кредит пластик карталар мавжуд бўлган ва унинг 50 фоиздан фойдаланган, яъни 11 фоиз актив ҳолда бўлган. 2014 йилда эса бу кўрсаткич 28 фоизга 11 фоизни ташкил қилган. 2021 йилга келиб пластиклардан фойдаланиш бир оз яхшиланган ва аҳолининг 28 фоизда пластик карталар мавжуд бўлган бўлса, унинг 14 фоизи актив ҳолда бўлган.

Пластик карталар муомаласи кенг тарқалишига қарамасдан, унинг аҳоли учун муаммоли томонлари ҳам мавжуд. Хусусан, барча жойларда терминаллар, банкоматлар ёки инфокиоскларни таъминлаб бериш имконияти бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолларда аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида, шунингдек, банклар ўзларининг даромадларини ошириш йўлида охириги 10 йилда рақамли банк хизматларини кенг ривожлантирди. Бир томондан бу анъанавий банк моделига ҳам етарлича рақобат туғдирди.



#### 4-расм. Дунё иқтисодиётида янги ташкил этилаётган онлайн банклар сони


Манба: <https://www.statista.com/markets/414/topic/993/financial-institutions/#statistic4>

маълумотлари.

Инновацион банк хизматларининг ривожланиш тенденцияси охириги йилларда шу даражада ривожланмоқдаки, 2024 йилга келиб рақамли банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 2,5 млрд. кишидан ортиши прогноз қилинмоқда. Шунингдек, агар анъанавий банклар рақамли банк хизматларини кўрсатишга ўтмаса, улар яшаб қолиши ҳам шубҳа остида қолмоқда. Рақамли технологияларнинг авж олиши банк тизимида онлайн банкларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлди. Хусусан, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида

300 дан ортиқ онлайн банклар очилган бўлсада, улар анъанавий банкларга катта рақобат бозорини шакллантирди.

Охириги йиллардаги рақамли технологияларнинг ривожланиши банк тизимида тўловларни жуда қулай бўлган рақамли тўловлардан фойдаланишни кучайтириб юборди. Таҳлил натижаларига кўра, 2014 йилда дунё аҳолисининг ўртача 44 фоизи рақамли тўловлардан фойдаланган бўлса, 2021 йилга келиб 64 фоиз аҳоли айнан рақамли тўловлардан фойдаланмоқда.



**5-расм. Даромадига кўра мамлакатларда кишиларнинг рақамли тўловлардан фойдаланиш даражаси**

**Манба:** <https://www.worldbank.org> The Global Findex Database 2021 маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Хусусан, 2017 йилда ўрта даромадли давлатларда аҳолининг 18 фоизи онлайн харидлари учун тўловларда мобил алоқалар ёки интернетдан фойдаланган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 34 фоизга кўтарилган.

Давлатларнинг ривожланганлик даражаси рақамли технологиялардан қанчалик кенг фойдаланаётганлигини билдиради. Хусусан, ривожланган давлатларда рақамли иқтисодиётнинг йўлга қўйилганлигини биргина улар аҳолиси томонидан банкнинг рақамли тўловларидан фойланиш даражасидан кўришимиз мумкин. Статистик маълумотларга кўра, даромади юқори бўлган давлатларда рақамли тўловлардан фойдаланиш даражаси 100 фоизга яқинлиги ва бу, асосан, пандемия таъсирида ошганлиги ушбу давлатларда қисқа муддатла янги стартапларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Бу ҳолатни ривожланаётган давлатларда, яъни ўртадан юқори давлатларда ҳам кузатишимиз мумкин. Ушбу давлатларда 2017 йилда рақамли тўловлардан аҳолининг 61 фоизи фойдаланган бўлса, 2021 йилда кескин ошган ва бу кўрсаткич 80 фоизга чиққан.


Рақамли технологияларнинг бошқа турдаги технологиялардан фарқли жиҳати шундаки, ушбу технологияларни экспорт қилиш харажат талаб қилмайди. Аммо шунга қарамасдан, ўрта даромадли ҳамда ўртадан куйи даромадли давлатларда рақамли иқтисодиётни қуриш бир оз қийин кечмоқда. Хусусан, 2014-2021 йилларда ўрта даромадли давлатларда аҳолининг рақамли тўловлардан фой-

даланиш даражаси 36 фоиздан 57 фоизга кўтарилган бўлса, ўртадан куйи давлатларда эса бу кўрсаткич 24 фоиздан 38 фоизга кўтарилган.

Охириги йилларда рақамли тўловлар билан бир вақтда мобил қурилмалардан фойдаланган ҳолда QR код билан тўловлар ҳам кенг тарқалмоқда. Шунини таъкидлашимиз лозимки, ўрганилган даврда ушбу банкнинг янги рақамли технологиясидан фойдаланиш ва унинг банк даромадларига таъсири 2017 йилдан бошлаб ҳисобланиб келинмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2017 йилда дунё аҳолисининг 24 фоизи онлайн харидлари учун тўловларда мобил алоқалар ёки интернетдан фойдаланган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 39 фоизга кўтарилган. Даромади юқори давлатларда бу кўрсаткич 2017 йилда 59 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда эса 64 фоизга чиққан.

Таҳлил натижаларидан кўрилдики, даромади ўртадан юқори бўлган давлатларда онлайн харидлари учун тўловларда мобил алоқалар ёки интернетдан фойдаланиш кескин ошиб кетган. Хусусан, даромади ўртадан юқори бўлган давлатларда онлайн харидлари учун тўловларда мобил алоқалар ёки интернетдан фойдаланган аҳолининг салмоғи 2017 йил 32 фоиздан 2021 йил 62 фоизга кўтарилган. Ўрта даромадли ҳамда ўртадан куйи даромадли давлатларда аҳолининг онлайн харидлари учун тўловларда мобил алоқалар ёки интернетдан фойдаланиш даражаси сезиларли даражада пастдир.





**6-расм. Даромадига кўра мамлакатларда инсонларнинг онлайн харидлари учун тўловларда мобил алоқалар ёки интернетдан фойдаланганлик ҳолати**

**Манба:** <https://www.worldbank.org> The Global Findex Database 2021 маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Даромади ўртадан қуйи бўлган давлатларда эса бу соҳада аҳвол ачинарли бўлиб, 2017 йилда 5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда эса 64 фоизга чиққан.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, ривожланган давлатларда рақамли иқтисодиётни қуриш анча илдамлаб кетган. Шунингдек, даромади ўртадан юқори бўлган давлатларда ҳам охириги йилларда рақамли банк хизматларининг такомиллашиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, даромади юқори давлатлар ҳисобланган Швеция, Норвегия, Нидерландия каби давлатлар яқин келажакда рақамли банк хизматларини кенг ривожлантирган ҳолда, нақд пул муомаласидан тўлиқ воз кечишни режалаштирган.

Аммо даромади ўрта ёки даромади ўртадан паст бўлган давлатларда рақамли банк хизматлари етарлича ривожлангани йўқ. Бунга ушбу давлатларда яширин иқтисодиётнинг кучлилиги ва бунинг натижасида нақд пул муомаласига эҳтиёжнинг юқорилиги, ушбу давлатларда илм-фаннинг етарлича кучли эмаслиги ва бу рақамли технологияларни жорий этишда янги стартапларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилаётганлиги ҳамда бу каби давлатларда коррупцион аломатларнинг нисбатан юқори эканлигини сабаб сифатида келтиришимиз мумкин.

Жаҳон банкининг меъёрига кўра, давлатларнинг ривожланганлик даражасини аниқловчи кўрсаткич ЯИМнинг жон бошига нисбати бўлиб, унга кўра юқори даромадли давлатларда жон бошига ЯИМ 12535 АҚШ долларида юқори бўлиши лозим. Ўрта даро-

мадли давлатлар икки гуруҳга бўлинади ва булар: ўртадан юқори даромадли давлатлар ҳамда ўртадан қуйи даромадли давлатлардир. Аҳоли жон бошига ЯИМ 4046 АҚШ долларида 12535 АҚШ долларигача бўлса, ушбу давлатни ўртадан юқори даромадли давлатларга ҳамда аҳоли жон бошига ЯИМ 1036 АҚШ долларида 4046 АҚШ долларигача бўлса, ўртадан қуйи давлатлар қаторига киритади. Шунинг таъкидлашимиз лозимки, ўрта даромадли давлатлар аҳолиси дунё аҳолисининг 75 фоизини ҳамда ўрта даромадли давлатларда дунё аҳолиси таркибидаги қашшоқ аҳолиларнинг 62 фоизи истиқомат қилишади.

Экспертларнинг фикрича, юқоридаги статистик ҳолатлардан қатъи назар, рақамли банк хизматларини ўрта даромадли давлатларда ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд ва бунга рақамли банк хизматларини қўллайдиган корхоналар қизиқиши юқоридир. Чунки ўрта даромадли давлатларни улар катта бозор ва юқори даромад манбаи сифатида кўришмоқда.

Илмий тадқиқотларимиз инновацион банк хизматларига бағишланган экан, асосий урғумизни ўрта даромадли ва бунда ўртадан қуйи даромадли давлатларда рақамли банк хизматларнинг ривожланиш тенденциясига қаратишимиздан мақсад мамлакатимиз ҳам ўртадан қуйи давлатлар қаторига киришидир. Бизнинг фикримизча, бу тадқиқот мавзуси биз каби давлатларда рақамли технологияларни қўллаш орқали банк хизматлари оммабоплигини ошириш учун етарлича потенциал борлигини кўрсатишидир.



**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Кондратьев Н.Д. (2015) Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения: избранные труды. – М.: Академический проект, Альма Матер.
2. Schumpeter, J.A. (2017) *Essays: On entrepreneurs, innovations, business cycles and the evolution of capitalism*. Routledge.
3. Das, P., Verburg, R., Verbraeck, A., & Bonebakker, L. (2017) *Barriers to innovation within large financial services firms: An in-depth study into disruptive and radical innovation projects at a bank*. *European Journal of Innovation Management*, 21(1), 96-112.
4. Uz Kurt, C., Kumar, R., Semih Kimzan, H., & Eminoğlu, G. (2013) *Role of innovation in the relationship between organizational culture and firm performance: A study of the banking sector in Turkey*. *European Journal of Innovation Management*, 16(1), 92-117.
5. Fanelli, S., & Straub, L. (2020) *A theory of foreign exchange interventions (No. w27872)*. National Bureau of Economic Research.
6. Rajapathirana, R.J., & Hui, Y. (2018) *Relationship between innovation capability, innovation type, and firm performance*. *Journal of Innovation & Knowledge*, 3(1), 44-55.
7. Westland, J.C. (2017) *Global innovation management*. Bloomsbury Publishing.
8. Federal Reserve Bank of Atlanta, *Economic Review*. August, 1983, p. 10.
9. <https://data.worldbank.org>
10. <https://imf.org>



**ЎЗБЕКИСТОН ВАЛЮТА СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ҲАМКОР  
ДАВЛАТЛАР БИЛАН ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИГА ТАЪСИРИ**

**Норбаева Мухлиса Акрам қизи**

Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси докторанти

 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\_iss1/a13](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a13)

**Аннотация.** Илмий мақолада Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларига валюта сиёсатининг таъсири баҳоланган. Бунда асосий эътибор Ўзбекистон билан кенг иқтисодий алоқада бўлган асосий ҳамкор давлат таҳлил объекти сифатида олинган. Таҳлил натижаларига кўра, охириги йилларда Ўзбекистон валюта сиёсатидаги эркинлаштириш халқаро савдо алоқаларига ижобий таъсири наст бўлган. Яъни валюта курсининг сузиб юрвчи курс режимига ўтказилиши асосий ҳамкор давлатлар билан савдо балансига таъсири сезилмаган.

**Калит сўзлар:** валюта сиёсати, экспорт, импорт, валюта курси, девальвация, ревальвация.

**ВЛИЯНИЕ ВАЛЮТНОЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА НА ЭКОНОМИЧЕСКИЕ  
ОТНОШЕНИЯ С ОСНОВНЫМИ СТРАНАМИ-ПАРТНЕРАМИ**

**Норбаева Мухлиса Акрам қизи**

Докторантка банк-молия академияси

академии Республики Узбекистан

**Аннотация.** В научной статье оценивается влияние валютной политики на внешнеэкономические связи Узбекистана. При этом основное внимание уделялось как основному государству-партнеру, имеющему широкие экономические связи с Узбекистаном в качестве объекта анализа. Согласно результатам анализа, либерализация валютной политики Узбекистана в последние годы оказала незначительное положительное влияние на международные торговые отношения. То есть перевод валютного курса в режим плавающего курса не оказал влияния на торговый баланс с основными странами-партнерами.

**Ключевые слова:** валютная политика, экспорт, импорт, валютный курс, девальвация, ревальвация.